

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Мухтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, мана шундай қутлуг кунда сиз, азизларни ва бутун халқимизни энг улуг ва энг азиз байрамимиз – Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, ўзимнинг энг эзгу тилакларимни билдиришга руҳсат бергайсиз.

Бундан ролпа-роса йигирма олти йил муқаддам Биринчи Президентимиз, атоқли давлат ва сиёсат арбоби Исро Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

Шу кундан эътиборан жаҳон харитасида янги мустақил ва суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Жонажон Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихида янги давр – эркинлик ва озодлик, миллий тикланиш ва тараққиёт даври бошланди.

Биз бугун халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, истиқлол йилларида босиб ўтган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, ғоят шарафли йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда ўз тақдиримизни ўзимиз хал этиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, миллий давлатчилигимизни, азалий қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас динимизни тиклаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимизни фахр билан тилга оламиз.

Албатта, ушбу ютуқларнинг қўлга киритилишида Биринчи Президентимиз Исро Абдуганиевич Каримовнинг тарихий хизматлари бекиёс бўлганини бугун барчамиз, бутун халқимиз тақдоран эсга олишимиз табиийдир.

Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Оқсарой қароргоҳи олдида Исро Абдуганиевичнинг ҳайкалини очдик. 2 сентябрь куни эса Исро ака туғилиб воғга етган Самарқанд шаҳрида у кишининг ҳайкали очилди.

Насиб этса, 2018 йил 30 январда – у киши туғилган кунга 80 йил тўладиган санада Қарши шаҳрида Биринчи Президентимизга ҳайкал ўрнатиш, Самарқанд шаҳрида ёдгорлик мажмуаси барпо этиш ишларини тўла якунига етказиб, уларнинг ҳам тантанали очилиш маросимларини ўтказамиз.

Бугун барчамиз бир фикрда яқдилмиз: Биринчи Президентимизнинг Ватан ва давлат олдидаги буюк тарихий хизматлари, сўнмас хотираси халқимиз қалбиде абадий яшайди.

Хурматли ватандошлар!

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш борасида бугун олдимизда яна-

да муҳим ва долзарб вазифалар турганини биз ҳар томонлама чуқур англаймиз.

Жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кескин бир давр барчамиздан янгича ишлаш ва фикрлашни, юқори даражада сафарбарликни талаб этмокда.

Олдимизда турган ана шу улкан вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик.

Ушбу Стратегияда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсатни изчил давом эттириш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Ҳаракатлар стратегиясида "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойил давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айлангани албатта беҳиз эмас.

Биринчидан, бугунги кунда барча бўғиндаги ҳокимлар, вазирлик ва идоралар, прокуратура, суд-ҳуқуқ ва ички ишлар органлари раҳбарлари, депутат ва сенаторлар бевосита жойларга чиқиб, ўз фаолияти бўйича халқ олдида ҳисобот бермокда.

Маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, одамларнинг ҳаётий муаммоларини ўрганмокда, уларни қонуний асосда ҳал қилиш учун амалий ёрдам кўрсатмокда.

Иккинчидан, биз иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш, рақобатдош махсулотлар ишлаб чиқариш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва шу тариқа жаҳон бозориде муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллашга асосий эътибор қаратмокда.

Шу мақсадда ўтган қисқа даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида минглаб лойиҳалар амалга оширилиб, юқори технологияларга асосланган замонавий завод ва фабрикалар барпо этилаётгани, янги иш ўринлари ташкил қилинаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги ва эртанги тараққиётимиз бевосита боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида тарихий ўзгаришлар амалга оширилмокда.

Айниқса, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда аънавий ёндашувлардан воз кечиб, деҳқонлар даромадини кўпайтиради-

ган, экспортга йўналтирилган махсулотларни етиштиришга инвестициялар жалб қилинаётгани сизларга яхши маълум.

Мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш мақсадида "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади", деган тамойилдан келиб чиқиб, бугунги кунда юртимизда ишбилармонлик ва тadbиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш учун янги имконият ва имтиёзлар яратилмокда.

Энг муҳими, бу соҳа минг-минглаб фуқароларимиз, аввало, ёшларимиз учун ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиш, эл фаровонлигини оширишда мустаҳкам замин бўлаётган барчамизни хурсанд қилади.

Учинчидан, ижтимоий соҳалар, айниқса, одамларда энг кўп эътироз уйғотаётган соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, табиий газ ва электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, коммунал хизмат, йўл қурилиши соҳаларида мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш, ички ишлар идораларининг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлардан ҳам албатта хабардорсиз.

Узоқ йиллардан буён халқимизни қийнаб келаётган ўткир бир муаммо – арзон уй-жойлар масаласини ҳал этиш мақсадида биз 2017-2021 йилларга мўлжалланган алоҳида дастур қабул қилдик.

Ушбу дастурга биноан келгуси беш йилда 1 минг 136 та кўп қаватли, арзон уй-жойлар, жумладан, қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 100 мингдан ортиқ тураржой бинолари барпо этилади.

Шу кунларда фақат қишлоқ жойларнинг ўзида жорий йилда қуриб битказилган янги уйларда 5 мингдан ортиқ оила ҳовли тўйларини ўтказаётгани албатта ҳаммамизни қувонтиради.

Бу ишларни изчил давом эттириш ҳақида гапирад эканмиз, инсонларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш биз учун одамийликнинг энг олий мезони, энг муҳим вазифа бўлиб қолишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Чунки халқимиз ўз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни келажакда эмас, балки бугун кўришни, улардан бугун баҳраманд бўлишни истайди.

Аҳолиимизнинг ана шундай табиий истак ва талабларини бажариш барча раҳбар ва етакчиларнинг асосий бурчи ва вазифасига айланиши шарт.

Тўртинчидан, биз парламент ва фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари бўлган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор бермокда.

Давоми 2-бетда. ➡

26 ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

Мустақиллик – ҳар бир халқ учун улуг нёъмат, буюк иноят.

Мустақиллик – ўзликни англаш, ўз ота маконининг эгаси бўлиш, ор-номусини баланд тутуш ҳуқуқидир.

Мустақиллик – жаҳонда тенглар ичра тенг бўлиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, эркин ва фаровон яшаш имкониятидир.

1991 йил 31 август мамлакатимиз ана шундай тарихий ютуққа эришган буюк сана. Мустақилликнинг қадриқимматини чуқур англайдиган халқимиз бу кунни катта шоду хуррамлик билан байрам қилади.



Бу йил ҳам шундай бўлди. Президентимизнинг 27 июндаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига катта тайёргарлик кўрилди. Жамиятимиздаги янгиланишларга мувофиқ байрам тadbирлари ҳам янгича шакл ва мазмун касб этди.

Асосий тантанали маросим 31 август куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар ходимлари, турли соҳаларда фаолият юритаётган юртдошларимиз, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Саройга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келди. Давлатимиз раҳбари минбарга таклиф этилди. Президентимиз мустақиллигимизнинг йигирма олти йиллиги билан халқимизни муबारакбод этиб, нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янгради. Байрам аҳли қўлларини кўксига қўйиб, мустақиллик қўшиғига жўр бўлди. Оқанг оғушида Ватан манзаралари, истиқлол тарихи тасаввурда гавдаланди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охири юртимиз учун ўта мураккаб давр бўлди. Халқимиз мустамакка таъйиқиде наинки эркини, балки миллийлигини, тилини, динини, ўзлигини ҳам йўқотиш даражасига келиб қолганди.

Тарихимизнинг шундай таҳликали, туб бурилиш пайтида Исро Каримов Ўзбекистонга раҳбар бўлди. Адолатсиз тўзумга қарши мардонавор курашиб, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилди. Ҳали собиқ тўзум ҳукмрон пайтда биринчилардан бўлиб Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилди.

Исро Каримов янги ўзбек давлатчилигига асос солди. Ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий дас-

турлар мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлади. Оқилона ташқи сиёсат, тинчлик ва ҳамкорлик принципи туфайли мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади.

"Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун" деган эзгу ғоя, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва улкан бунёдкорлик ишлари натижасида аҳоли ҳаёт даражаси изчил юксалди. Ҳуқуқий демократик ислохотлар ва маънавиятга эътибор халқимизнинг дунёқарашини, онгу тафаккурини ўзгартирди.

Истиқлолимизнинг 26 йиллигига бағишланган байрам тadbирларида Биринчи Президентимиз Исро Каримов хотираси чуқур эътиром билан ёдга олинди.

Саҳна ортидаги улкан мониторда мусаффо осмонимиз, олпоқ кабутарларнинг самога парвоз қилгани тасвири акс этди. Гўё буюк йўлбошчимиз руҳи жонажон Ватанининг янги парвозларига оқ йўл тилади.

Давоми 2-бетда. ➡

ҲОКИМ ЎРИНБОСАРЛАРИГА ХИЗМАТ МАШИНАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Қўшалқ байрам шуқуҳи ҳар юракка эзгулик, хайр-саховат, меҳр-муҳаббат туйғулларини бахш этмокда. Кундан-кунга чирой очиб, айни пайтда бораётган Ватанимиз, хусусан, вилоятимиз шаҳар-туманларидаги бунёдкорлик ишлари кўзни қувонтириб, дилни яйратади. Айниқса, мамлакатимиз раҳбарининг вилоятимизга таширидан сўнг янада кўтаринкилик билан давом этаётган улугвор бунёдкорлик ишлари одамлар қалбидеги эртанги кунга бўлган умид, ишончни янада мустаҳкамлади.

Эътибор

Кексаю-ёш фаол қатнашаётган бу ишларда, айниқса, вилоятимиз аёлларининг ўрни алоҳида. Хотин-қизларимизнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида амалга оширилган яна бир хайрли тadbир уларнинг байрамона кайфиятини кўтариб юборди.

Ҳар бир шаҳар, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раисларига вилоят ҳокими Шуқрулло Бобоев "Нек-

сия-3" русумли хизмат машиналарининг қалитини топширад экан, уларнинг янада фидоилик билан фаолият олиб боришларига ишонч билдирди.

– Беқобод – вилоятимизнинг энг катта туманларидан, – дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ёқутхон Мўминова, – Президентимиз таъкидлаганларидек, энг чекка қишлоқларимиз билан ҳам алоқани мустаҳкамла-

шимиз, тез-тез мулоқот, турли учрашувлар ўтказишимизда бу хизмат машиналари ишмизни осонлаштиради, узоғимизни яқин қилади, бунди. Зарур бўлганда вилоятимиз марказига ҳеч бир муаммосиз ўз вақтида етиб келишимизни ўйлаб, қувониб кетаяпман. Бу ишонч, бу рағбатни, албатта, оқлаймиз.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

Эъзоз

Бугун Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи Раҳим Аҳмедовнинг хонадони шар қачонгидан ҳам айдили. Йўқ, фақат у ҳар кундангина эмас, айтишга бўлур Бобур маҳалласидаги, бестисно, барча уйларда хурсандчилик, кўтаринки кайфият. Каттаю-кичик маҳалла аҳли Раҳим муқомини йўқлагани, давлатимизнинг юксак муқомоти билан таъкидлаш ишини қилибди. Бобонинг чеҳраси бугун янада ёруғ, гўё кучига куч, қувватига қувват қўшилгандек. Хурсандчилигига шерик бўлиш учун йўқлаб кирган кўни-қўшилари ва маҳалладошлари қақчақлашиб толмайди.

РАҲИМ БОБОНИНГ ҚУВОНЧИ

Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги муносабати билан берилган давлатимизнинг юксак муқомоти – "Шуҳрат" медали ота-хоннинг кўксиде. Вилоят ҳокими Шуқрулло Бобоев отахоннинг хонадонига бориб, медални топширди. Унга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик тилади. Маҳаллада Раҳим

Аҳмедовнинг ўрни алоҳида. Маҳалладошлари бобонинг ҳаётини ибрат, сўзларини ҳикмат, дейишади. Бу бежиз эмас. 104 ёшни қаршилаган бобо ҳаёт давомиде нималарни кўрмади. Болалиги Иккинчи жаҳон уруши йилларида, очарчилик-қаҳатчилик даврига тўғри келди.

Давоми 2-бетда. ➡

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Жумладан, кейинги пайтда маҳалла тизими, "Нуроний" жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, ёшлар ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар ўзининг дастлабки натижасини бераётганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилгани ва бу ташкилотнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, унга янги имтиёз ҳамда имкониятлар бериш бўйича амалга оширилган ишларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Чунки мамлакатимизнинг тақдир ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, бу йўлда бор билим ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлган, азму шижоатли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш – биз учун энг муҳим масаладир.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўзининг амалий фаолияти билан барчамизнинг, биринчи навбатда, ёшларимизнинг умидларини албатта оқлайди, деб ишонамиз.

Бугунги давр талаби, халқимизнинг хоҳиш ва истакларини инобатга олиб, илм-фан, таълим-тарбия тизимида ҳам жиҳдий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мактаб таълим тизими тубдан ўзгартирилиб, 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта тикланмоқда. Мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртига қабул квоталари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сиртки ва кечки олий таълим шакллари тикланмоқда.

Шунингдек, бу борада бизни энг кўп ўйлантираётган масалалардан бири – мактабга таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Мақсадимиз келгуси 3-4 йилда мамлакатимиздаги боғча ёшидаги болаларни ана шундай таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олишдан иборат ва биз бунга албатта эришамиз. Ушбу мақсадда айни кунларда махсус давлат дастури тайёрланмоқда.

Бешинчидан, республикада ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш,

◀◀ Бошлонининг 1-бетда.

диний экстремизм ва терроризм хавфига қарши кураш олиб бориш бўйича ишлар ҳам янгича ёндашувлар асосида ташкил этилмоқда.

Ҳаётда билиб-билмай адашган одамларни тўғри йўлга солиш, кечиримли бўлиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш масалалари ҳам диққат марказимизда турибди.

Биз бир ҳаётий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Яъни хато қилган, йўлдан адашган одамни "ёмон" деб четга суриб қўйсақ, у ёмон бўлиб қолаверади. Ёмонни яхши қилиш, уни дўстга айлантириш – бу фақат соғлом жамиятнинг қўлидан келади.

Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида мунтазам ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур.

Бу борада амалга ошираётган ислохотларимиз, хусусан, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини муносиб қадрлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар сизларга яхши маълум, албатта.

Айни вақтда бундай кенг қўламли ишларимиз биз бошлаган ислохотларнинг фақат бир қисми, дастлабки қадамлар эканини таъкидлаш лозим.

Олдимизга қўйган юксак мақсад ва режаларимизни реал натижага айлантириш учун ҳаммамиз бор куч ва билимимизни аямасдан, фидокорона ва виждонан меҳнат қилишимиз, ташаббус кўрсатиб ишлашимиз зарур.

Шунинг учун ҳам, келгуси икки йил бизнинг фаолиятимизда давқулода сафарбарлиқни талаб этадиган давр бўлади ва бу вазифани барчамиз сидқидилдан бажаришни таъминлашимиз албатта лозим. Халқимиз биздан шуни кутати.

Бу борада, айниқса, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Қадрли дўстлар!

Бугун биз мамлакатимизни ҳар томонлама модернизация қилиш, таркибий ўзгаришлар ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш бўйича улкан ишларни бошлаган эканмиз, уларни амалга ошириш ташқи омилларга ҳам боғлиқ эканини яхши тушунамиз.

Шунинг учун ташқи сиёсатимизда узоқ-яқин давлатлар, энг аввало, бизга қўшни бўлган Марказий Осиё мамлакатлари билан яқин дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолади. Бу борадаги амалий ишларимиздан албатта халқимиз хабардор.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, чет эллик меҳмонларимизга бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдириб, барча давлатлар халқларига самимий табрик ва саломларимизни йўллашга ижозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Бугун эл-юртимиз Мустақиллик байрами билан бирга муборак Қурбон ҳайитини ҳам катта шоду хуррамлик билан қутиб олмақда.

Бу икки улуғ байрамнинг айнан бир кунга тўғри келишида ҳам ўзига хос чуқур ва рамзий маъно бор.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, сиз, азизларни ана шу қўшалок айёмлар билан яна бир бор самимий табриклайман.

Шу юксак минбардан туриб, барча ютқуларимиз, буюк келажагимиз ижодкори ва бунёдкори бўлган мард ва олижаноб, меҳнаткаш ва танги халқимизга таъзим қиламан.

Бугунги улуғ айём кунларида қалбимдаги энг эзгу тилакларимни муҳасам қилиб айтмоқчиман:

Бетакдор Ватанимиз равнақи йўлида садоқат билан хизмат қилишдан ҳеч қачон толмайлик, чарчамайлик!

Барчамизга, жоноҳан юртимизнинг қамоллини, фарзандларимиз ва набира-ларимизнинг бахту иқболини кўриш насиб этсин!

Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг янги даврига янги етакчи билан қадам қўйди. 2016 йил 4 декабрь кuni бўлиб ўтган умумхалқ сайловида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентлиги этиб сайланди.

Шавкат Мирзиёев Исом Каримов сиёсатини давом эттириш, шу билан бирга, барча соҳалардаги ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадини баён этди.

"Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз", деган тамойилга асосан мамлакатимизни модернизация қилиш, давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини ошириш бўйича туб ислохотлар амалга оширилди. Бошқарув органлари фаолияти такомиллаштирилди, кўплаб вазирлик ва идоралар қайта ташкил этилди, янги ташкилотлар тузилди.

"Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойилга мувофиқ, халқ билан мулоқотнинг замонавий ва самарали тизимини йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

"Халқ бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади", деган ғоя асосида аҳолига кенг имкониятлар бериш, унинг реал даромадларини кўпайтириш, тадбиркорлиқни янада ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқ бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади", деган ғоя асосида аҳолига кенг имкониятлар бериш, унинг реал даромадларини кўпайтириш, тадбиркорлиқни янада ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

◀◀ Бошлонининг 1-бетда.

Қўшни давлатлар билан муносабатларимиз янада яхшиланди. Президентимизнинг илк давлат ташрифлари қўшни давлатларга бўлди. Ўзаро рақобат эмас, ҳамкорлик қилиш тамойили иқтисодий имкониятларни кенгайтди, минтақавий хавфсизлик, миллатлараро тотувлиқни янада мустаҳкамлади.

ри завқ бағишлади. Тантанали маросим санъаткорлар жўрлигидаги "Ватан азиздир" қўшиғи билан ниҳоясига етди.

Дарҳақиқат, Ватан – азиз. Бизнинг ўзлгимиз, бугунимиз ва келажагимиз Ватан билан чамбарчас боғлиқ. Ота-боболаримизнинг ҳоқи, мероси шу заминда. Бугун шу муқаддас диёрда оиламиз,



Бу жиҳатлар байрам томошасида турли тилларда янграган қўшиқлар, миллий-этнографик гуруҳларнинг чиқишларида яққол намоён бўлди.

Ўзбекистонда меҳроқибат, ҳамжихатлик ва бағрикенглик олий қадрият даражасига кўтарилган. Жамиятимизда тинчлик-осойишталик қарор топган.

Тинчлик ва барқарорлик сабаб Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ортмоқда. Энг ривожланган давлатлар, дунёга донги кетган банк ва компаниялар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга интиломоқда.

Байрам дастури ҳар қачонгидан бошқача бўлди. Куй-қўшиқлар шеърлар билан уйғунлашиб кетди. Болаларнинг чиқишлари барчага табассум улашди. Ҳарбийларимизнинг мардондор овози дилларга кўчди. Жаҳон мумтоз мусиқала-

дўстларимиз, касбу корими билан бахтлимиз. Келгуси режаларимиз, орзу-умидларимиз яхшиликка йўғрилган.

Булларнинг барчаси истиқлол шарофатидан. Давлатимиз мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро микёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб келмоқда. Бу бойлиқнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдирдаги аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бораверади.

Байрам тадбирларида янграган куй-қўшиқлар олис-олисларга таралмоқда. Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида байрам тантаналари, халқ сайиллари давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.
ЎЗА олган суратлар.

РАҲИМ БОБОНИНГ ҚУВОНЧИ



Ҳали вояга етмай, тенгдошлари қатори қўлига кетмон олди, отаси ва акаларининг ўрнини босиш учун тонгдан шом қоронғусигача далада тер тўкди. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам унга сабр-тоқат, қаноат, ҳалоллик ва тўғрилиқ широр бўлди. Бугун умр деҳқончилиқ қилди.

Раҳбарларимизга раҳмат, давраларнинг тўри бизники, – дейди отахон. – Бир кун улар ҳолимиздан хабар олишса, эртасига шифокорларимиз соғлигимизни сураб туришибди. Мен тенгдош авлод нималарни кўрмади, дейсиз. Бир умр далада ишладик. Уруш йилларидаги қийинчиликларни-ку, қўйверасиз. Кимки, келажакка умид билан яшаса, албатта, рўшноликка чиқар экан. Мана чорак асри, роҳат-фароғатда яшаймиз. Давлатимиз, Юртбошимиз нафақат кек-

салар ёки ёшлар, барча фуқароларга бирдек ғамхўр, меҳрибон. Мен бунинг фарзандларим ва невараларимнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган бахтли ҳаёти мисолида аққол кўриб турибман.

Раҳим бобо бугун чинакам кексалик гаштини сурмоқда. 4 нафар фарзанди, 33 невараси эваралари унинг хизматида. Оила ҳам бўлса, уларга бугунги фарҳадиш кунларнинг қадрига етишни уқтиради.

Табаарук ёшдаги отахон юртимиздаги тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлиқ ва меҳроқибатдан, айниқса, мамнун. Шу тўғрисида мамлакатимиз тобора гуллаб-яшнаб, халқ фаровонлиги юксалиб бораётганини қайта-қайта таъкидлашдан чарчамайди.

Хурида НАЗАРОВА,
Равшан МИЗАКУЛОВ
олган сурат.

◀◀ Бошлонининг 1-бетда.

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ АНГРЕНДА ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш ва иқтисодий зона мустаҳкамлашда ўз ўрнига эга бўлган "Ангрен" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида янги мажмуа иш бошлади.

"National Ceramics" деб ном олган бу қўшма корхона глазуранган керамогранит ва керамик плитка тайёрланади.

Собиқ "Резинотехника" ОАЖ ҳудудида ташкил этилган янги корхонада маҳсулотларнинг жаҳон стандартига мослиги ва юқори сифат кўрсат

миллион квадрат метр керамик плитка тайёрланади.

Собиқ "Резинотехника" ОАЖ ҳудудида ташкил этилган янги корхонада маҳсулотларнинг жаҳон стандартига мослиги ва юқори сифат кўрсат

ЎЗИМИЗНИНГ ШИНА КОНВЕЙЕРДАН ЧИҚДИ

"Ангрен" эркин иқтисодий зонасида Хитойнинг "Поли текноложиз" компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган заводда автомобил шиналари ишлаб чиқариш бошланди.

Кишлоқ ҳўжалигида энг кўп прицеп ва тракторнинг олд шинасида эҳтиёж сезилади. Бу ерда тайёрланадиган шу турдаги маҳсулотлар деҳқон ва фермерлар ишига мадад бўлиши шубҳасиз.



кичларини таъминлаш мақсадида Италиянинг "Sacmi Imola S.C." компаниясининг замонавий технологик линияси ўрнатилди.

Қиймати 21,1 миллион АҚШ доллари баҳолашган ушбу лойиҳа Хитойнинг "Gulf Cable Trading" компанияси билан ҳамкорликда очилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида ишлаб чиқарилган заводнинг илк шинаси халқаро стандарт олиш учун синовга тақдим этилди.

МЕҲНАТ РАҒБАТСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Оққўрғонлик механизатор Сайфиддин Усмоновнинг бугун қувончи чексиз. Унинг кизи нуфузли олийгоҳлардан бирига ўқишга кирди. Лекин шартнома асосида бўлгани учун қандай тўлашни ўйлаб юрган эди. Буни қарангки, кўп йиллик самарали меҳнати, топирилган вазифаларни ўз вақтида бажаришни инобатга олиб, "Тошкент-агрокимёхия" ҳудудий акциядорлик жамияти раҳбарияти ўз ходимига қизининг контракт тўловини тўлаб беришга қарор қилди.

Шодиёна

Мустақиллигимизнинг 26 йиллигини файли дастурхон атрофида нишонлаган жамият жамоасида Сайфиддин Усмонов қабилад бисёр. Тантанали тадбирда намуна кўрсатиб ишлаётган бир гуруҳ

ходимлар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

– Иш фаолиятимиз виллоятимиздаги 6 минг 700 дан зиёд фермер хўжаликларига минерал ва кимёвий ўғитлар

етказиш, ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоялаш, ишлов бериш, дефолляция билан шугулланиш, фермерларга тавсия ва маслаҳатлар беришдан иборат, – дейди жамият раҳбари Муродхўжа

Тураганов. – Шу мақсадда шаҳар ва туманларда 33 та биологаториямиз ишлаяпти. Байрам муносабати билан барчани бир дастурхон атрофига йиғиб, бажарилган ишларни сарҳисоб қилдик ва келгусидagi режаларни белгилаб олдик.

Фарида Насибулина ишлаётган Юқори Чирчиқ тумани биологаторияси ходимлари бу йил самарали фаолият юритишди. Улар туман дала-ларидаги ўзаларга фақат био ва минерал воситалар билан ишлов бериб, касал-

ликларга чалинтиришга йўл қўйишмади. Демак, бундай мутахассислар муқофотга лойиқ.

Тадбирда, айниқса, механизаторлар шўх куй-қўшиқларга шундай берилиб рақсга тушишдики, кўрган одамнинг завқи жўш урди. Меҳнат чарчоқларини рақс орқали чиқариб, кузги йигим-терим мавсумига янги куч йиғишгандек гўё. Шу кун ҳамма юзига қувонч билан уйига тарқалди. Байрам шукӯҳи хонадонларга кўчди.

Хурият МҲМИНОВА.

ШОДЛИГИМИЗГА ҲЕЧ КИМ РАХНА СОЛМАСИН

Юртимизда мустақиллигимизнинг 26 йиллик шодликлари давом этмоқда. Халқимиз энг улуг, энг азиз байрам оғушида.

Огоҳлик

Хар тарафда байрам шукухи, тантаналар. Халқимиз кўзида қувонч, юзларида ширин табассум. Чехрасидан бахтиёрлик уфғиб турган тенгдошларимизни кўриб, беихтиёр айрим мамлакатлардаги нотинчликлар ҳақида ўйлаб қоламан.

Юртимиз аҳолисининг осойишта ҳаёт кечираётгани халқимизнинг тотувлиги, баррикентлиги самарасидир. Лекин, ҳозирги таҳликали замон биз ёшларни янада зийрак бўлишга чорламоқда. Чунки, ёғлар билан ёшлар онгини заҳарлайдиган, байрам тантаналарини бузишга, халқни саросимага солишга интилаётган кучлар ҳам йўқ эмас.

Муниса ҚОСИМОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

ФЕРМЕРЛИК ҲАМ ИЛМ

Фозил Рихсибоевни Янгийўл туманида яши биллашади. У номи чиққан фермерлардан. "Топил қизи тутмажон" фермер хўжалигини ташкил этиб, оёққа турғанида у озмунча меҳнат қилди, дейсизми? Эртаю-кеч даласидан бери келай, демайди.

Қишлоқ мулкдори



2003 йилда ташкил топган хўжаликнинг бугун 15 гектар сугориладиган ери бор. Бу йил буғдойнинг "Таня" навини экиб, давлатга 45 тонна ўрнига 60 тонна галла топирилди. Яна 40 тоннаси хўжаликнинг ўзида қолди, ундан 20 тоннаси ишчиларга тарқатилди. Хўжалик даромадлари ҳам чакки эмас. Шу йили буғдойдан 32 миллион 500 минг сўм даромад, 13 миллион сўм соф фойда олинди.

Хўжаликда тақоррий экин екишга алоҳида эътибор берилди. Бу ҳам ҳарна-да. Бозордан ортгани рўзгорга ярайди, қора қозон қайнайди. Картошка, пиёз, сабзанинг энг олди навлари экилди. Қўкатларни айтмайсизми? Қони фойда. Сабзидан 60, картошқадан 40, тарвуздан 60, пивздан 25-30 тонна ҳосил олиш режалаштирилган.

Хуршида МҲМИНОВА,
Азамат АҲМЕДОВ
олган сурат.

Реклама ва фойдалар

Тадбиркорлар ва ўз фаолиятини кенгайтириш истагида бўлган ишбилармонлар диққатига!

Тошкент вилоятида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва кенгайтириш учун яна бир қулай имконият яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги "Тошкент вилоятида кичик саноат зоналариини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3194-сонли қарорига асосан, Тошкент вилоятининг ҳар бир шаҳар ва туманида барча муҳандислик коммуникация тармоқлари билан узлуқсиз таъминланган 19 та кичик саноат зонаси ташкил этилди.

Ишлаб чиқариш майдонлари истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни қўзлаган, қўшимча иш ўринларини яратиб, фаолиятини кенгайтириш ҳаракатида бўлган тадбиркорлик субъектларига 10 йил муддатга "ноль" ставка бўйича ижарага берилади, кейинчалик эса тадбиркорлик субъектлари томонидан янги иш ўринлари барпо этилиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз муддатига тўланган тақдирда, ишлаб чиқариш майдонларига мулк ҳуқуқи бепул расмийлаштириб берилади.

Бундан ташқари, киритилдиган инвестиция ҳажмига қараб, юридик шахсларнинг фойда солиғи, мулк солиғи ва ягона солиқ тўловидан имтиёзлар кўзда тутилган.

Хурматли тадбиркорлар, кичик саноат зонасида Сизнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишингиз учун шаҳар ва туман прокурорлари раҳбарлигида Ишчи гуруҳ ташкил этилган бўлиб, юзга келиши мумкин бўлган барча муаммо ва тўсиқлар оператив тарзда ҳал этилади.

Шошилинч, қулай имкониятни қўлдан бой берманг. Қизиқтирган саволлар юзасидан Тошкент вилояти ҳокимлигининг 214-14-14, 214-20-20 ҳамда Тошкент вилояти рақобат бошқармасининг 230-41-73, 230-41-70 телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Вилоят силга қарши кураш диспансери ва физиятлар кенгаши диспансериинг жонлантириш бўлими мудири, олий тоифали шифокор Рустам Халиловга сингилси

РАНО АБДУРАҲМОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги ййгилиши бўлиб ўтди.

Аввал хабар қилинганидек, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ, 2017 йилнинг 24 сентябрь, яшанба кунин Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги бўшаб қолган 1-"Ангрен", 5-"Металлург", 11-"Саноатчилар", 18-"Бўстон", 27-"Келес", 45-"Қумовул" ва 51-"Эски Тошкент" сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтказилди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДАГИ БЎШАБ ҚОЛГАН 1-"АНГРЕН", 5-"МЕТАЛЛУРГ", 11-"САНОАТЧИЛАР", 18-"БЎСТОН", 27-"КЕЛЕС", 45-"ҚУМОВУЛ" ВА 51-"ЭСКИ ТОШКЕНТ" САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 11-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 1-"Ангрен", 5-"Металлург", 11-"Саноатчилар", 18-"Бўстон", 27-"Келес", 45-"Қумовул" ва 51-"Эски Тошкент" сайлов округлари куйидаги тартибда тузилсин:

1-"Ангрен" сайлов округи
Маркази – Ангрен шаҳри "Ёшлар маданият маркази" биноси.
Худудий чегараси: Ангрен шаҳрининг бир қисми. Оҳангарон ва А. Навоий кўчалари чорраҳаси бўйлаб А. Навоий кўчасининг ўнг томони, Оҳангарон кўчасининг юқори томони, Янгиобод шаҳри, Дуқент кўргони, "Аппартак", "Боғисурх", "Янги Боғисурх", Беруний, У. Юсупов, "Навбахор", Улуғбек, "Қўктерак", "Мустақиллик" маҳаллалари.
Сайловчилар сони – 32 547 нафар
Сайлов участкалари сони – 17 та

5-"Металлург" сайлов округи
Маркази – Бекобод шаҳар 2-сонли умумтаълим мактаби биноси.
Худудий чегараси: Бекобод шаҳрининг бир қисми. Жомий, "Бунёдкор", "Сайхун", "Ўзбекистон", Муқимий, "Металлург", "Дўстлик", "Ёшлик", "Пахтакор", "Янги ҳаёт", "Боғишамол", "Фарғона", Бобур, "Андижон", "Ширин", "Обод турмуш" маҳалла фуқаролар йиғинлари.
Сайловчилар сони – 30 569 нафар
Сайлов участкалари сони – 14 та

11-"Саноатчилар" сайлов округи
Маркази – Чирчиқ шаҳри "Кимёгарлар" маданият саройи биноси.
Худудий чегараси: Чирчиқ шаҳрининг бир қисми: Бобур, "Ишонч", "Истиклол", "Хумо", "Чинор", "Семур", "Адолат", "Шодлик" "Кимёгар", А. Темур маҳалла фуқаролар йиғинлари худуди.
Сайловчилар сони – 27 777 нафар

шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Қонунга мувофиқ, шунингдек, вилоят сайлов комиссиясининг мазкур сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасидан келиб чиққан ҳолда тегишли округ сайлов комиссиялари тузилди ва уларнинг таркиблари тасдиқланди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясига мамлакатда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг Тошкент вилояти Кенгашларидан бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловда иштирок этиш ҳақида аризалар келиб тушди.

Вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги ййгилишида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқилди ва барча сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш ҳақида қарорлар қабул қилинди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Қонуннинг 21, 44-моддаларига мувофиқ, сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати сайлов участкалари сони – 12 (2) та

18-"Бўстон" сайлов округи
Маркази – Бўқа тумани Бўстон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи биноси.
Худудий чегараси: Бўқа туманининг бир қисми: "Ровот", "Катта ровот", "Новобод", "Ўртатеп", "Янгиобод", "Қўқорсўйган", "Хўжақўрғон", "Янгиқўрғон", "Кулдирок", "Мирзабек", "Самарқанд", "Чавлисой", "Паркент", "Бўстон", "Чўлобод", "Бўқа", "Бахмал", "Қўқорол", "Жўраобод", "Истиклол" маҳалла фуқаролар йиғинлари худуди.
Сайловчилар сони – 37617 нафар
Сайлов участкалари сони – 21 та

27-"Келес" сайлов округи
Маркази – Келес шаҳри туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази биноси.
Худудий чегараси: Тошкент туманининг бир қисми. Келес шаҳри, Кўкте-

комиссиясига аризалар келиб тушиши навбатига қараб қарорда қуйидаги тартибда қайд этилди: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси.

Вилоят сайлов комиссиясининг чора-тадбирлар режасига асосан, эндиликда сиёсий партияларнинг Тошкент вилояти Кенгашлари депутатликка номзодлар бўйича маълумотларни тақдим этиши лозим.

Сайлов участкалари сони – 41 471 нафар
Сайлов участкалари сони – 14 та

45-"Қумовул" сайлов округи
Маркази – Ўрта Чирчиқ тумани 52-умумтаълим мактаби биноси.
Худудий чегараси: Ўрта Чирчиқ туманининг бир қисми: Қумовул, Оқ ота йўнғичоли, Ўрташаро худудлари.
Сайловчилар сони – 31 065 нафар
Сайлов участкалари сони – 13 та

51-"Эски Тошкент" сайлов округи
Маркази – Чиноз тумани 27-мактаб биноси.
Худудий чегараси: Чиноз туманининг бир қисми, Эски Тошкент, Ислохот, Эшонобод, Туркистон қишлоқлари.
Сайловчилар сони – 25 749 нафар
Сайлов участкалари сони – 11 (1) та

Вилоят сайлов комиссияси раиси

Ф. МУҲАМЕДОВ

2017 йил, 28 август
Нурафшон шаҳри

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДАГИ БЎШАБ ҚОЛГАН 1-"АНГРЕН", 5-"МЕТАЛЛУРГ", 11-"САНОАТЧИЛАР", 18-"БЎСТОН", 27-"КЕЛЕС", 45-"ҚУМОВУЛ" ВА 51-"ЭСКИ ТОШКЕНТ" САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 1-"Ангрен", 5-"Металлург", 11-"Саноатчилар", 18-"Бўстон", 27-"Келес", 45-"Қумовул" ва 51-"Эски Тошкент" сайлов округлари депутатлигига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари куйидаги таркибда тузилсин:

1-"Ангрен" округ сайлов комиссияси
Комиссия раиси: Исмаилов Аъзам Қудашевич – Ангрен педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежи директори

Комиссия раисининг ўринбосари: Миржалилов Шокир Нурмухаммадович – Ангрен шаҳар маданият бўлими бошлиғи

Пан Валентин Харитонович – "Бекобод ишчиси" ва "Рабочий Бекабада" газеталари бош муҳаррири
Султонов Шухрат Муродович – Бекобод шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти раиси
Рахмонбердиева Омина Бурхановна – Бекобод шаҳар "Баркамол авлод" маркази раҳбари
Қодиров Бекзод Абдурахмонович – "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамияти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси
Қурбонов Бахтиёр Асқарович – Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими мудири

Округ сайлов комиссияси манзили – Бекобод шаҳар, Истиклол кўчаси, 11-уй. Тел. (99890)-136-55-45.

11-"Саноатчилар" округ сайлов комиссияси
Комиссия раиси: Муқимов Олимжон Ибодиллоевич – Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи директори

Комиссия раиси ўринбосари: Сарибаева Муҳайё Ҳўжамуродовна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Комиссия котиби: Толипова Шарофат Адилжановна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Комиссия аъзолари: Жумаева Камола Шербутаевна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси
Юсупова Лола Хамидовна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси
Жумаева Гулбахор Эшқуватовна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси
Исхақжоновна Шоҳидохон Мухаммаджановна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси
Аллиярова Нилуфар Пирназаровна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси
Низомова Лайло Абсаломовна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Округ сайлов комиссияси манзили – Чирчиқ шаҳри, Маданият кўчаси, 15-уй, Тел. (0370)-66-2-43-36.

5-"Металлург" округ сайлов комиссияси
Комиссия раиси: Абдурахмонова Шоира Алижановна – Бекобод шаҳар 2-умумтаълим мактаби директори

Комиссия раисининг ўринбосари: Парпихўжаев Абдувахоб Абдураззикович – "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамиятига қарашли соғломлаштириш маркази бош шифокори

Комиссия котиби: Сулаймонова Хурсанат Шералиевна – Бекобод шаҳар "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини котибаси

Комиссия аъзолари
Қосимов Ботир Қулпидинович – "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамиятига қарашли меҳмонхона бошлиғи

Пан Валентин Харитонович – "Бекобод ишчиси" ва "Рабочий Бекабада" газеталари бош муҳаррири
Султонов Шухрат Муродович – Бекобод шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти раиси
Рахмонбердиева Омина Бурхановна – Бекобод шаҳар "Баркамол авлод" маркази раҳбари
Қодиров Бекзод Абдурахмонович – "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамияти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси
Қурбонов Бахтиёр Асқарович – Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими мудири

Округ сайлов комиссияси манзили – Бекобод шаҳар, Истиклол кўчаси, 11-уй. Тел. (99890)-136-55-45.

11-"Саноатчилар" округ сайлов комиссияси
Комиссия раиси: Муқимов Олимжон Ибодиллоевич – Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи директори

Комиссия раиси ўринбосари: Сарибаева Муҳайё Ҳўжамуродовна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Комиссия котиби: Толипова Шарофат Адилжановна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Комиссия аъзолари: Жумаева Камола Шербутаевна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси
Юсупова Лола Хамидовна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси
Жумаева Гулбахор Эшқуватовна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси
Исхақжоновна Шоҳидохон Мухаммаджановна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси
Аллиярова Нилуфар Пирназаровна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси
Низомова Лайло Абсаломовна – Чирчиқ шаҳар 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Округ сайлов комиссияси манзили – Чирчиқ шаҳри, Маданият кўчаси, 15-уй, Тел. (0370)-71-6-29-34.

18-"Бўстон" округ сайлов комиссияси
Комиссия раиси: Холмирзаев Олимжон – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бўқа тумани кенгаши раисининг ўринбосари

Комиссия раиси ўринбосари: Мирхолиқова Санобар – Бўқа тумани 38-мактаб директори

Комиссия котиби: Хаираев Йўлдош – Бўқа тумани "Чўлобод" маҳалла фуқаролар йиғини

"Маҳалла посбони" жамоатчилиги тузилмаси раҳбари

Комиссия аъзолари:
Нурбоев Баҳодир Ботиралиевич – Бўқа тумани "Самарқанд" маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Алиев Фурқат – Бўқа тумани "Қўқорол" маҳалла фуқаролар йиғини котиби
Алиев Шерзод – Бўқа тумани "Паркент" маҳалла фуқаролар йиғини котиби
Анорбоева Марғуба – Бўқа тумани "Паркент" маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси
Ачилова Муаттар – Бўқа тумани "Хўжақўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини котиби
Жўраев Икром – Бўқа тумани 39-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Округ сайлов комиссиясининг манзили: Бўқа тумани "Чўлобод" маҳалла фуқаролар йиғини. Тел.: (93)-586-72-16.

27-"Келес" округ сайлов комиссияси:
Комиссия раиси: Абдуллаев Каҳар – Тошкент тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази эпидемиология бўлими мудири

Комиссия раиси ўринбосари: Мирзаева Озода Султонмуродовна – Тошкент тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази паразитология бўлими дезинфектори

Комиссия котиби: Хайтова Саналат Абдурашодовна – Тошкент тумани Келес шаҳар "Уч сада" маҳалла фуқаролар йиғини котибаси

Комиссия аъзолари:
Омонова Фароғат Салимовна – Тошкент тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази дезинфектор

Имамова Шахноза Раҳимжановна – Тошкент тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида врач эпидемиолог ёрдамчиси
Зулфқориев Дostonбек Ровшанбек ўғли – Тошкент тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида врач эпидемиолог ёрдамчиси
Маҳмадова Умида Ташпулатовна – Тошкент тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида бактериолог лаборатория бўлими лаборанти
Махидов Абдумалик – Тошкент тумани "Нуроний" жамғармаси раиси
Аббосова Маҳфуза Гафаровна – Тошкент тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази дезинфектори

Округ сайлов комиссиясининг манзили: Тошкент тумани, Келес шаҳри, "Уч сада" маҳалла фуқаролар йиғини, Бирдамлик кўчаси, 38-уй. Тел.: (0370)-96-56-0-76.

45-"Қумовул" округ сайлов комиссияси
Комиссия раиси: Тожиев Алишер Пардаевич – Ўрта Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими услубчиси

Комиссия раиси ўринбосари:
Ахмедов Мурод – Ўрта Чирчиқ тумани 52-умумтаълим мактаби директор ўринбосари

Комиссия котиби:
Хамраев Гайрат Юсупович – Ўрта Чирчиқ тумани 9-умумтаълим мактаби директор ўринбосари

Комиссия аъзолари:
Ахмедова Наргиза – Ўрта Чирчиқ тумани ФХДБ бўлими мудираси
Холтурсунова Гулзатна Жулдибаевна – Ўрта Чирчиқ тумани А. Навоий маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Жўраева Розия – Ўрта Чирчиқ тумани "Шоликор" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Хусанбоева Юлдуз Юлдашевна – Ўрта Чирчиқ тумани 55-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси мудираси
Сериқбаева Дилфуза Сауленаевна – Ўрта Чирчиқ тумани 52-умумтаълим мактаби ўқитувчиси
Режаева Юлдузхон Раҳматовна – Ўрта Чирчиқ тумани 4-сонли махсус мактабгача таълим муассасаси мудираси

Округ сайлов комиссиясининг манзили: Ўрта Чирчиқ тумани, "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғини, Паркент тракт 2-тор кўчаси. Тел. (0590)-351-15-98.

51-"Эски Тошкент" округ сайлов комиссияси
Комиссия раиси: Фатхуллина Манзура – Чиноз тумани "Аҳиллик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Комиссия котиби:
Сериқбаев Ойбек – Чиноз тумани 32-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Комиссия аъзолари:
Саидалиева Мовлуда – Чиноз тумани 24-умумтаълим мактаби ўқитувчиси
Турсунқуллов Лутфулла – Чиноз тумани "Аҳиллик" маҳалласи фаоли
Холмуратова Хидоят – Чиноз тумани "Аҳиллик" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари маслаҳатчиси

Аюпова Ҳабиба – Чиноз тумани "Бўсув" ирригация тизими бошқармаси Чиноз тумани бўлими мелиорация муҳандиси
Бегалиев Ихтиёр – Чиноз тумани Ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати ходими

Округ сайлов комиссиясининг манзили: Чиноз тумани "Аҳиллик" маҳалла фуқаролар йиғини, Тел. (0594)-408-12-08.

Вилоят сайлов комиссияси раиси

Ф. МУҲАМЕДОВ

2017 йил, 28 август
Нурафшон шаҳри

□ Эзгулик


Мухтарам Биринчи Президентимиз, атоқли давлат ва сиёсат арбоби Ислам Абдуганиевич Каримов миллий истиқлолга эришганимиздан кейин орадан кўп ўтмай, 1991 йил декабрь ойининг ўрталарида Тошкентнинг кўҳна қисмида сайловчилар билан учрашувда, жумладан, бундай деган эди: "Бугун ана шу дин орқали вужудимизга мусавфалик, дилимизга, иншааллоҳ, поклик кириб келмоқда. Ахлоқ-одоб, маърифат яна хонадонимиз файзига, одамлар хислатига айланишида исломнинг ўрни бениҳоя бўлмоқда. Биз келгусида дин олдидаги тўсиқларни олиб ташлаймиз. Яхшилик нур келтиради, ёмонлик зулмат, дейдилар.

Ўзбекистоннинг келажаги яхшилик пойдеворида қурилмоғи шарт. Чунки фақат яхшилик боқий яшайди. Одамларнинг одамларга яхшилиги! Юртдошларнинг юртдошларга яхшилиги! Миллатдошларнинг миллатдошларга яхшилиги! Бу Ўзбекистоннинг шioriғина эмас, даъватига, қақирғига, хислатига айлансин. Яхшилик қилган миллатни ҳурматлаш, яхшилик қилган авлодни эъзозлаш тафаккур оламининг кўшиғига айлансин. Менинг орзуим ҳам, истагим ҳам, тутар йўлим, асосий қайғу-ташвишим, қувончу севинчимнинг боиси ҳам шу". ("Халқ сўзи", 1991 йил 17 декабрь)

МЕҲР-ОҚИБАТ – ИНСОНЛИКНИНГ ОЛИЙ ШАРАФИ

Ҳақиқатан ҳам вужудимизга мусавфалик, дилимизга поклик кириб келди, дин олдидаги кўп тўсиқлар олиб ташланди. Масалан, 1992 йил 27 март куни "Рамазон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида" Президент Фармони чиқди. Унга мувофиқ Рамазон ҳайитининг биринчи куни дам олиш куни, деб эълон қилинди. Шундан бошлаб, ҳар йили Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг биринчи куни ҳам дам олиш куни – умумхалқ байрами бўлиб келмоқда.

Шу йилнинг 26 июнь куни муборак Рамазон ҳайити бутун мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Юртимиздаги барча жоме масжидларда ҳайит намози эмин-эркин ўқилди. Мен фарзандларим ва яқинларим билан биргаликда ҳайит намозини одатдагидек Шайх Зайниддин жоме масжидининг ҳовлисида адо этдим. Намознинг охирида имом-хатиб, жумладан, бундай деб қолди: "Вафот этганларнинг уйларига бориб юрманг, бугун байрам, мотам эмас..."



Хамма бу гапдан бир оз таажжубландию, индамади. Одамларимизнинг табиати шундай: ўзи ҳақ бўлганида билганидан қолмайди – маҳалламизда ҳам, бутун пойтахтимизда ҳам фотиҳагарчиликлар бўлди, ўтган бир йил давомида вафот этганларнинг уйларига бориб, кўнгил сўралди. Албатта, ҳамма билганига эмас, фақат тегишли ва қадрдонларнинг

орқаларида қолган фарзандлари ва яқинларига ҳам дардлик билдирилди. Бунинг нимаси ёмон, ахир, бу инсонлик шарафи-ку!

Шу куни – ҳайит куни оқшомда телевидениенинг "Ахборот" кўрсатувида намойиш қилинганидек, давлат ва диний раҳбарларимиз раҳматли Президентимиз Ислам Каримовнинг хонадонига ташриф буюриб,

дуои фотиҳа қилишди. Сўнг пойтахт аҳли кўнгил сўраб, бу хонадонга борди. Шундай кўнгил сўрашлар, дуои фотиҳалар Самарқанд шаҳрида ҳам бўлди. Ислам отанинг қабри зиёрат қилиниб, Қурбон оятлари ўқилди.

Маълумки, ҳайит бошқа умумхалқ байрамларидан фарқланади. Ҳайит кунлари ҳам байрам қилинади, ҳам ўтганлар эсланади. Хотира

– мавжудодлар ўртасида фақат инсонга хос одатдир. Ҳайит ҳам диний, ҳам дунёвий байрамдир.

Ўзбекистонда қуйидаги кунлар байрам (дам олиш) кунлари деб белгиланган: 1 январь – Янги йил; 8 март – Хотин-қизлар куни; 21 март – Наврўз байрами; 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни; 1 сентябрь – Мустақиллик куни; 1 октябрь – Ўқитувчи ва Мураббийлар куни; 8 декабрь – Конституция куни; Рўза ҳайитининг биринчи куни; Қурбон ҳайитининг биринчи куни.

Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити байрамларининг бошқа байрамларга ўхшаш томонлари ҳам, фарқли жиҳатлари ҳам бор. Ҳайитларда кўш чиққандан кейин 15 дақиқа ўтгач, 2 ракат вожиб намози (такбирлари билан) ўқилади, ўтганлар хотирланади, тириklar қадрланади. Шу жиҳати қулайки, ўзингизга тегишли марҳум ёки марҳуманинг жанозасида қатнаша олмаган бўлсангиз, мотам тадбирларига ҳам бирор узрли сабаб билан бора олмаган бўлсангиз, ҳайит кунлари дилингизда юк бўлиб келаятган

таъзия билдириш ниятингизни бажариш имкониятига эга бўлиб турибсиз. Таъзиядорлар учун ҳам қулайки, таъзия билдирувчиларни ойлар давомида ҳар куни кутиб ўтирмайди, балки махсус кунлар – ҳайит кунлари уйларида бўлиб туришади. Таъзия билдириш одобига кўра, таъзия билдирувчи таъзиядорни хонадонига валаклашиб ўтирмайди, Қурбон тиловат қилиниб, дуои фотиҳа қилинган, хайрлашиб, йўлига равона бўлади, лозим топилса, вафот этган одамнинг фазилатларидан бир-икки оғиз айтиши раводир.

Ахир, одам тафтини одам олади. Эслаб туриш, эслаб келиш, эслаб туриш инсонга хос буюк фазилат! Ҳайитларимизда ана шу буюк фазилат тажассум этади.

Бу ёруғ жаҳонда бир энг эски, энг ўзгарувчан навбат бор. У Ҳазрат Одам Ато ва Мома Ҳаводан бошланган. Дунёга келамиз, дунёдан кетамиз. Шу жиҳатдан ҳайитда ҳаёт ва мамот фалсафаси бор. Дунёга келдингизми, фақат ва фақат яхшилик қилиб кетишга чорлов бор!

Албатта, ҳайитларда фотиҳагарчилик мажбурий эмас, ихтиёрий – хоҳлаган одам боради, хоҳламаган бормайди. Шу билан бирга, фотиҳагарчиликларни алоҳида бир маросимга, дабдабозликнинг навбатдаги кўринишига айлантириб юборадиганлар ҳам борки, бу айём моҳиятини, унинг ажиб бир инсоний қадриятларини тушунмаслик, нотўғри талқин этишдан бошқа нарсаси эмас. Негаки, ҳамма нарсаси, аввало, ниятга боғлиқдир.

Абдуқадир ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби, профессор.

БЎЛАЖАК
ЮЛДУЗЛАР
БАҲСИ

Юқори Чирчиқ туманида "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" шiori остида "Футболимиз келажаги" кубоги мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

□ Спорт

Ушбу беллашув Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши томонидан ёшлар, айниқса, маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар ўртасида футболни янада омалаштириш, уларни жисмонан соғлом вояга етишларини таъминлаш, ёш истеъоддорларни кашф этиш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди.

Унда уч ёш тоифаси бўйича ҳудудий беллашуларда голибликни қўлга киритган жамоалар ўзаро куч синашди.

Қизгин ва мurosасиз кечган 9-10 ёшли футболчилар баҳсида 1-ўринни Чиноз туманининг "Авгон" маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси қўлга киритди. Иккинчи ўрин Ангрен шаҳрининг "Наврўз", учинчи ўрин эса Бекобод шаҳрининг "Янги ҳаёт" МФЙ жамоаларига насиб этди.

11-12 ёшдаги болалар ўртасида Бекобод туманининг "Истиқлол" МФЙ жамоаси голиб бўлди. Қибрай туманининг Беруний МФЙ ёшлари 2-ўринга, Пискент туманининг "Саидобод" ва Қуйи Чирчиқ туманининг "Навқирон" маҳаллалари ўсирилари эса 3-ўринга сазовор бўлишди.

Ангрен шаҳридаги "Наврўз" маҳалласининг 13-14 ёшли вакиллари фахрли 1-ўринни эгаллашди. Ушбу ёш тоифасидаги беллашуларда 2-ўрин Оққўрғон туманининг "Алимкент", 3-ўрин эса Бўка туманининг "Маданият" маҳаллалари жамоаларига насиб этди.

Яқунда барча голиб ва совриндорлар махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.

Реклама ўрнида

UZTELECOM

«Ўзбектелеком»

акциядорлик компанияси

Тошкент филиали

юртимиз аҳлини
Мустақиллигимизнинг
26 йиллиги билан қутлайди!

Юртимиз тинч, маҳаллаларимиз обод бўлсин!
Ватанимиз тобора гуллаб-яшнаб,
Ўзбекистонимизнинг шон-шуҳрати
дунё бўйлаб таралаверсин!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Маъилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@mail.uz

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

233-58-85 (факс)
233-70-10
233-79-96
233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
233-81-21, 233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида
2011 йил 12 январда
03-001 рақами билан
рухсатта олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳриратини компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусоҳиҳ
Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДУҲҲАЕВ